

ТИББИЙ СУҒУРТА АМАЛ ҚИЛИШИННИГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Болтаев Мансуржон Сотиволдиевич

Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти

E-mail: beshkap0721@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Тиббий сұғартаны құллаш ва амал қилиш учун муайян ташкилий, ҳуқуқиінен тиббий чора-тадбирларни яратып зарурати юзага келади. Бу мажбурий тиббий сұғартаны құллашнинг норматив-ҳуқуқиінен ишлаб чиқып жорий этиш орқали таъминланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда тиббий сұғартаны жорий этиш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқиінен хужжатлар ишлаб чиқылған жағдайда жорий этилған. Шу билан бирга, тиббий сұғартаны татбиқ этишининг илмий муаммоларини тадқиқ этиш, тиббий сұғартаның асосида амалга ошириладыгандык тиббий хизматтарни тури ва уларни құллаш масалаларини ёритиши мүхимдір.

Калит сўзлар: тиббий сұғартаны, тиббий хизмат, мажбурий тиббий сұғартаны, ихтиёрий тиббий сұғартаны, сұғарталовчи, сұғартана қилдирувчи, сұғарталанган шахс, истеъмолчи

АННОТАЦИЯ

Необходимо создать определенные организационные, правовые и медицинские меры для применения и осуществления медицинского страхования. Это обеспечивается разработкой и внедрением нормативно-правовой базы по применению обязательного медицинского страхования и добровольного медицинского страхования. На сегодняшний день в Узбекистане разработан и внедрен ряд нормативно-правовых документов, касающихся внедрения медицинского страхования. При этом важным является изучение научных проблем осуществления медицинского страхования, уточнение видов медицинских услуг, оказываемых на основе медицинского страхования и их применения.

Ключевые слова: медицинское страхование, медицинская услуга, обязательное медицинское страхование, добровольное медицинское страхование, страховщик, застрахованный, застрахованное лицо, потребитель.

Жамият фаровонлиги белгиларидан бири давлатнинг ўз фуқаролар соғлигини сақлашни таъминлашга лаёқатли эканлиги ҳисобланади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг фикрича, дунёнинг ҳеч бир давлатида фуқаролар соғлиқни сақлаш ҳолатидан қаноатланган эмаслар, бунда тиббий ёрдамни ташкил этиш шаклларининг турли хиллиги ва соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсата олмайди. Мазкур бўшлиқни бартараф этишнинг ўзига хос йўналишларидан бири тиббий суғурта ҳисобанади. Тиббий суғурта аҳолининг соғлигини сақлашга оид давлатнинг зиммасига тушадиган юкни камайтириш, аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги кутилмаган ва тасодифий ҳолатлар (касаллик, тиббий ёрдамга муҳтожлик)да моддий қўллаб-қувватлаш вазифасини бажарувчи ҳукуқий механизм саналади. Тиббий суғуртанинг асосий роли ҳаёт ва соғлиққа шикаст етказилган, меҳнат қилиш лаёқати йўқотилган ҳолларда даволаниш учун пул компенсациясини тўлаш йўли билан аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини ошириш, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан таъминлашда намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, тиббий суғурта давлат ижтимоий таъминотининг муҳим тизимларидан биридир. Тиббий суғурта соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолини ижтимоий қилиш шаклини ифода этади[1]. У фуқароларнинг жамғарилган маблағлар ҳисобидан тиббий ёрдам олиш имкониятини, профилактик чора-тадбирларни молиялаштириш, аҳолининг кенга қатламлари учун тиббий хизматнинг максимал даражада очик бўлиши таъминлаш ва имкониятдан келиб чиқиб суғурта қилдирувчи харажатларини тўлиқ қопланишига йўналтирилган[2].

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида пулли соғлиқни сақлаш ривожланиши билан тиббий суғурта кенг тарқала бошлади[3]. Ўзбекистонда суғурта бўйича хизматлар босқичма-босқич ривожланмоқда ва бугунги кунда тиббий суғуртани ҳукуқий тартибга солувчи қонунчилик базаси шаклланиш арафасидадир[4]. Аҳолининг соғлигини сақлаш ва тиббий суғуртани давлат томонидан тартибга солишининг муҳим асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Конституциянинг 40-моддасидан англашилишича, ҳар бир инсон тиббий хизматдан, шу жумладан малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ва “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар

тўғрисида”ги[5] ПФ-5590-сон Фармони тиббий сугурта муносабатларини хуқуқий тартибга солиш манбалари саналади.

Бугунги кунда тиббий сугуртанинг икки тури: мажбурий ва ихтиёрий турлари амал қиласиди[6]. Кўплаб фуқаролар тиббий сугурта ҳақида муайян тасаввурларга эга, албатта ва одатда тиббий сугурта деганда, касал бўлганда даволаниш учун кетадиган харажатларни сугурта компанияси томонидан қоплаб берилиши тушунилади. Хуқуқий адабиётларда тиббий сугурта фуқаролар ва улар оила аъзолари касал бўлганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, қариликда моддий таъминоат, шунингдек болалик оналарнинг соғлигини сақлаш чоралари назарда тутилади[7].

Мажбурий тиббий сугурта бўйича хизматлар қоидага кўра полис асосида тақдим этилади. Чунки, тиббий сугуртанинг мажбурийлик талаби уни муайян стандартлар ва шартлар асосида тузилиши ҳамда уларда қопланиши лозим бўлган тиббий хизматлар рўйхати қўрсатилиши лозим бўлади. Зеро, тиббий сугурта, шу жумладан, мажбурий тиббий сугурта тегишли давлат дастурлари асосида амалга оширилар экан, унда муайян чегара ва харажатлари сугурталовчи томонидан қопланадиган тиббий хизматларни тугал рўйхати ифодаланиши лозим бўлади. Бундай рўйхатларнинг белгиланмаслиги эса ўз-ўзидан сугурталовчиларнинг катта миқдорга зарар кўришига олиб келиши мумкин.

ФКнинг 927-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, тарафлар (сугурталовчи ва сугурта қилдирувчи) сугурта шартномасини сугурта қилдирувчининг мурожаати (оғзаки ёки ёзма) асосида сугурталовчи томонидан имзолангандан сугурта полиси асосида ҳам тузишлари мумкин. Айни пайтда полис – сертификат, шаҳодатнома ёки патта кўринишида ҳам бўлишига йўл қўйилади ва у сугурта шартномасининг асосий шартлари ўзида қамраб олиши талаб этилади. Мазкур вазиятда сугурта қилдирувчи таклиф этилаётган шартлар асосида сугурта шартномасини тузишга розилиги у томонидан сугурта мукофоти ёки бадалини тўлаш йўли билан амалга оширилади.

ФКнинг 927-моддасини шарҳлар экан, Т.Умаров қуйидагиларни билдиради: сугурта шартномаларини ҳужжатлар алмасиш йўли билан тузиш имкониятини назарда тутади. Сугурта полиси сугурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан берилиши мумкин[8].

Дарҳақиқат, мажбурий тиббий сугурта полиси сугурталанган шахсни текинга мажбурий тиббий сугурта дастурида қўрсатилган тиббий ёрдам кўрсатиш хукуқини тасдиқлайди. Одатда мажбурий тиббий сугуртанинг базавий дастурида профилактик ёрдам, тез тиббий ёрдамни (ҳаво кемалари орқали амалга ошириладиган санитария-авария эвакуациясидан ташқари) қамраб оладиган дастлабки тиббий-санитария ёрдами киради. Яъни мажбурий тиббий сугурта

доирасида тиббий ёрдам тақдим этилишининг минимал кафолатлари берилади. Агар фуқаро ўзи учун зарур бўлган суғурта дастурини шакллантиришда бевосита иштирок этишни хоҳласа ҳамда тиббий химзат тури ва ҳажмини белгиламоқча бўлса у ихтиёрий тиббий суғурта иштирокчиси бўлиши мумкин[9].

Ихтириё тиббий суғурта “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва ФК нормаларида келтирилган қоидалар асосида шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Одатда ихтиёрий тиббий суғурта ҳам муайян ижтимоий мақсадни – фуқароларга тиббий ёрдамни унинг ҳаққини суғурта қилдирувчиларнинг суғурта мукофотлари ҳисобидан тўлаш йўли билан кафолатлашни назарда тутади. Бироқ ушбу умумий мақсадга мажбурий тиббий суғуртадан фарқли равишда бошқа воситалар билан эришилади ва айнан шу жиҳат ихтиёрий тиббий суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини англатади. Ихтиёрий тиббий суғурта тўлиқ тижорат асосида амалга оширилади. Айрим мамлакатларда эса суғуртанинг ушбу тури оммавий ҳуқуқ соҳасига қисман йўғрилган мажбурий тиббий суғурта тизимиға қўшимча сифатида амалга оширилса, бошқа давлатларда параллел равишда қўлланилади.

Ю.Б.Фогельсоннинг[10] фикрича, суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда хусусий-ҳуқуқий элементлар билан бирга, оммавий-ҳуқуқий элементлар ҳам кенг қўлланилади. Кўп ҳолатларда, айниқса мажбурий тиббий суғуртада оммавий-ҳуқуқий элементлар ҳуқуқий тартибга солишда катта қисмни эгаллайди. Айниқса, мажбурий тиббий суғуртанинг олдиндан тасдиқланган (давлат томонидан) дастурлар ҳамда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг қатъий рўйхати асосида суғурталаш амалга оширилади. Шунга қарамасдан, тиббий суғуртанинг иккала тури ҳам суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилиши ҳамда мазкур шартнома тиббий суғурта муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи асосий хужжат вазифасидан ўташидан келиб чиқадиган бўлсак хусусий-ҳуқуқий элемент устувор бўлиши кераклиги англашилади. Чунки, тиббий суғуртанинг асосий мақсади шартномавий-ҳуқуқий воситаларини қўллаш орқали фуқароларнинг соғлигини сақлашга қаратилган воситаларни кенгайтириш саналади.

Тиббий суғурта муносабатларини тартибга солишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўлланилиши масаласи ҳам бугунги кунда аниқланиши лозим бўлган жиҳатлардан бири саналади. Мутахассисларнинг фикрича, тиббий суғурта асосида кўрсатиладиган тиббий хизматларга нисбатан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисидаги қонун талаблари татбиқ этилади[11]. Зеро тиббий хизмат қайси шартнома асосида кўрсатилишидан қатъий назарда тиббий муассасага даволаниш ёки муолажа, маслаҳат ёхуд тиббий ёрдамни бошқа турини олиш

Scientific Journal Impact Factor 2022: 4.556 <http://sjifactor.com/passport.php?id=22322>

мақсадида мурожаат қилган жисмоний шахс истеъмолчи ҳисобланади. Шу сабабли истеъмолчиларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун сугурта шартномаси асосида амалга ошириладиган тиббий хизматларга ҳам қўлланлиши ўринлидир.

Тиббий суғурта шартномасига асосланган тиббий хизматни кўрсатишида тиббий муассаса зиммасига истеъмолчига тақдим этиладиган қуйидаги дастлабки хизмат турлари юклатилади: бирламчи касалланиш билан боғдиқ жараённи ёки ҳолатни тўхтатиш ёки секинлаштиришни таъминлаш (тиббий ёрдам кўрсатишига қадар беморда мавжуд бўлган касаллик, унинг ҳолати, асоратларини самарали даволашни таъминлаш); ташхис тадбирларни баҳолаш, ташхисни баҳолаш, даволаш ёки қабул қилинган тактик қарорларни баҳолашни мураккаблаштирмаслик (тиббий ҳужжатлаштиришни тўғри олиб бориш); дастлабки патологик жараённи (ҳолатни) ривожлантиришни тезлаштирмаслик; янги патологик жараённинг (ҳолатнинг) вужудга келишини қўзғатмаслик; ташхис, даволаш, муолажа ёки молиявий воситаларни белгиланган даражадан юқори қўлламаслик ёки белгиланган даражагача қўлламаслик каби ҳолатларига йўл қўймаслик; диагностик тадбирларни ўтказиш, ташхис қўйиш, тиббий ёрдамнинг бошқа босқичларида даволаш ишларини ўтказишни қийинлаштирмаслик; bemornining ёки bemor atrofidagi odamlarning muddatidan oлдин yuz beradigan ylimi extimolini, ularning falaj bуliши extimolini, ularning ischanlik faolligini susaytiresh extimolini kutarmaslik[12]. Ф.Вайтованинг фикрича, шартномада етказилган барча зарарларни қоплаш назарда тутилган бўлса, тиббий ташкилот шартномани бажаришдан бўйин товлаши мумкин. Кўриб чиқилаётган шартнома бўйича хизмат истеъмолчиси фуқаро – истеъмолчи ҳисобланади, чунки таъсир айнан шу фуқаронинг организмига қаратилгандир[13].

Ж.Бобоевнинг ёзишича, истеъмолчи деганда, шахсий истеъмол мақсадларида, уй-рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти (фойда олиш) билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар сотиб олган, иш ёки хизматга буюртма берган ёинки шу ниятда бўлган ҳамда товардан, иш ёки хизматдан ўз эҳтиёжларини қондиришда фойдаланган фуқаро (жисмоний шахс) тушунилади[14].

Фикримизча, тиббий хизмат соҳасида фуқаронинг истеъмолчилик мақоми ҳам айнан ушбу хизматдан шахсий мақсадларда фойдаланиши билан боғлиқдир. Тиббий суғурта шартномаси асосида кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг ҳақи қоплаб берилиши эса, бу ҳолатда истеъмолчининг мақомига таъсир кўрсатмайди ва у “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги[15] қонунда белгиланган ҳуқуqlar ва тегишли кафолатларга эга бўлади.

А.Каримовнинг[16] қайд этишича, фуқаро истеъмолчи тиббий хизматларнинг заиф томони саналади ва шу сабабли ҳам мазкур хизматни кўрсатишда “энг аввало зарар етказма” принципи амал қиласди. Бунда инсоннинг ҳаёти ва соғлиги бозор қонуниятлари бўлган талаб ва таклиф, рақобат асосида баҳоланмаслиги ҳамда аввало инсонни соғлигини яхшилаш, ҳаётини саклаб қолиш, умр давомийлигини узайтириш бирламчи мезон бўлиши керак.

Тиббий суғурта шартномасига асосаланадиган тиббий хизмат фақат бирламчи тиббий ёрдамни, балки суғурталанган шахсни комплекс даволаш ҳамда кейинчалик муолажа қилишни ҳам қамраб олиши билан характерланади. Бу эса ўз навбатида, тиббий суғурта томонидан тақдим этиладиган қўшимча кафолатлар ҳамда тегишли тиббий хизматлар учун тўланиши лозим бўлган ҳақни тўлаш таъминланганлиги билан ҳам боғлиқдир. Шу боис тиббий суғуртани кенг қўллашнинг ташкилий-хуқуқий механизmlарини ишлаб чиқиш, уларни қўллашга оид тегишли норматив-хуқуқий базани яратиш ҳамда суғурталовчилар ҳамда суғурта шартномаси асосида тиббий хизматларни кўрсатувчи тиббий муассасалар ўргасидаги хуқуқий алоқалар тизимини жорий этиш лозим бўлади.

REFERENCES:

1. Роик В.Д. Обязательное медицинское страхование: теория и практика: учебное пособие. – М.: Дело и Сервис, 2013. – 195 с.
2. Архипов А.П. Страхование: учебник. – М.: КНОРУС, 2012. – 98-99 с.
3. Гришин В.И. Федеральный фонд обязательного медицинского страхования. – М.: Здравоохранение РФ, 2013. – 14 с.
4. Аминжонова М.А. Суғурта шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги масалалари: юрид. фан. докт. дис. ... автореф. – Тошкент: 2019. – 5 б.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2018 й., 06/18/5590/2285-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон
6. Гавrilova B. E. Страхование: учебно-методическое пособие. – M.: Изд-во Московского ун-та, 2013. – 23 с.
7. Модернизация здравоохранения: новая ситуация и новые задачи / под ред. И. М. Шеймана, С. В. Шишкина. – М.: Дело РАНХиГС, 2013. – 40 с.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. З-жилд. / <https://www.osce.org/uz/uzbekistan/106233>
9. Архипов А.П. Страхование: учебник. – М.: КНОРУС, 2012. – 104 с.
10. Фогельсон Ю. Б. Страховое право: теоретические основы и практика применения: Монография. Норма, Инфра-М, 2012. – 34 с.

Scientific Journal Impact Factor 2022: 4.556 <http://sjifactor.com/passport.php?id=22322>

11. Грачева, А. В. Некоторые проблемы гражданско-правового регулирования отношений добровольного медицинского страхования / А. В. Грачева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2018. – № 29 (215). – С. 108-111 / URL: <https://moluch.ru/archive/215/52083/> (дата обращения: 05.05.2021).
12. Тихомиров А.В. Договор об оплате медицинских услуг. // Здравоохранение. – 2000. –№ 5. – С.155 – 168.
13. Вайтова Ф.А.Тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2012. - 62 б.
14. Бабаев Д.И. Истеъмолчи хуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. номз. дисс....автореф. –Тошкент: 2005. - 8 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда
16. Каримов А.А. Фуқаролар соғлигини сақлашнинг фуқаролик-хуқуқий нормалар воситасида таъминлаш масалалари: юрид. фан. фалс. докт (PhD). – Тошкент: 2020. – 19 б.